

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 17/4 Н**

Навоий ш.

"08" 01 2021 йил.

"REGISTON" хусусий корхонаси бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи, номидан низомига асосан фаолиятини амалга оширувчи директор Халилов.А.К, бир томондан ва «Навоий вилоят Адлия бошқармаси» бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан уставга асосан фаолият кўсатувчи раҳбар А.Сарафжаев иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

**1. Шартнома предмети**

1.1. "Сотувчи" ўзига тегишли мол-мулкни "Харидор" нинг мулки қилиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, "Харидор" эса мол-мулкнинг ҳақини (тулик, қисман) тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

№	Товар номи	Улчов бирлиги	Баҳоси	миқдори	Суммаси	Жумл. ҚҚС
1	Суюлтирилган Газ	литр	3000	300	900000	15%
<b>ЖАМИ:</b>					900000	15%

Сумма суз билан: Тўлқиниз лоз миз сумм ҚҚС билан

1.2. Нархлар биржа катировка савдоларига мос равишда ўзгариб боради ва ҳисоб фактураларда акс эттирилади.

**2. Тулов шартлари**

- 2.1. Харидор товар учун олдиндан 100 фоиз пул кўчириш орқали туловни амалга оширади.
- 2.2. Тулов нақдсиз пул кучириш йули билан амалга оширилади.

**3. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати**

3.1. Олдиндан тулов маблаги Сотувчининг ҳисоб рақамига тушган кунни Товар "Харидор"га берилиши шарт. Товар Сотувчининг омборида Харидорнинг ишончномаси асосида ҳаракат қиладиган вакили томонидан сифат ва миқдори буйича қабул қилинади ва бу ҳақда далолатнома тузилади. Сотувчининг омборида қабул қилиниши жараёнида товарнинг миқдори, бутлиги ва сифатини аниқлаш имкони булмаган тақдирда, бу ҳақда далолатномада қайд этилади. Сотувчи омборидан олиб чиқиб кетилган товарларнинг сифати ва миқдори, бутлиги юзасидан эътирозлар қабул қилинмайди (Топпириш-қабул қилиш жараёнида товарнинг миқдори, бутлиги ва сифатини аниқлаш имкони булмаган ҳолатларбундан мустасно).

3.2. Шартнома амал қилиш муддати: газначилик булимидан руйхатдан утган кундан бошлаб « 31 » декабрь 2021 йилгача.

**4. Тарафлар мажбуриятлари**

4.1. "Сотувчи"нинг мажбурияти:

4.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида сифат ва миқдори буйича тулик "Харидорга"га мол-мулкни бериши шарт;

4.1.2. Сотувчи товарнинг келиб чиқишига, сифатига, бутланишига, ишлатиш қулланмаси ва ҳоқога шу товарга оид ҳужжатларни тақдим қилиши шарт. Агар товарга оид ҳужжатлар тақдим қилинмаган тақдирда Харидор товарни қабул қилиш ва тулик туллолни амалга ошириши рад этишга ва шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

4.2. "Харидор"нинг мажбурияти:

4.2.1. Махсулотни топпириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб, муддатида махсулотни қабул қилиб олиши шарт.

4.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида Сотувчини огоҳлантириши шарт.

4.2.3. Мол-мулкнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тулаш.

**5. Тарафлар жавобгарлиги**

5.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилмай қолган тақдирда айбдор томон бошқа тарафга етказилган зарарни тулик қоплайди ва шартнома қийматининг бажарилмай қолган қисмига нисбатан 5 фоиз жарима тулайди.

5.2. "Сотувчи" мол-мулкни тулик етказиб бермаганлиги учун "Харидор"га етказиб берилмаган ҳар қун учун мол-мулк баҳосидан 0,4 фоиз, лекин етказиб берилмаган товар қийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаган суммада пеня тулайди.

5.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаса, Сотувчи Харидорга сифатсиз товарнинг қийматига нисбатан 15 фоиз жарима тулайди.

5.4. Товар ҳақини белгиланган 60 кунлик муқлатда тулик туламаган тақдирда Харидор Сотувчига тулов муддати утган ҳар бир қун учун 0.5 фоиз, лекин туланиши лозим булган сумманинг 50 фоизидан ортиқ булмаган пеня тулайди.

5.4. Пеня (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик шартлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар ширтномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига, ҳамда Фуқаролик Кодекси мувофиқ белгиланади.

## 6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

6.2. Савдо палатасининг ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувоҳномаси ана шундай форс-мажор ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

## 7. Низомни хал қилиш тартиби

7.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низомлар аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

7.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Худудий иқтисодий судларда хал қилинади.

## 8. Шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.



## 9. Бошқа ҳолатлар

9.1. Ушбу шартнома иккала тараф бир хил кучга эга бўлиб, икки нусхада тузилган.

Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тулов реквизитлари (маълумотлари)

"Сотувчи"

"Харидор"

<p align="center"><b>«REGISTON»</b> <b>Хусусий Корхонаси</b> Навоий вилоят Кизилтепа тумани Бустон МФЙ x\p 20208000100556125003 АТБ Агробанк Навоий шаҳар бўлими МФО 00197 ИНН:201591430 ОКЭД:47300 +99895-603-21-97</p> <p>Директор  Халилов.А</p>	<p align="center"><b>« Навоий вилоят Адлия</b> <b>бошқармаси»</b> БОШҚАРМАСИ Манзил: Навоий шаҳри Моттаиенко кўчаси 4а-уй Тел./факс: 223-01-38; 223-83-59 Ш/ра: 401021860124014039602009001 СТИР: 200006491 ОКОНХ: 97400 Навоий вилоят буйича Ҳазначилик бошқармаси Х/р: 23402000300100001010 Банк: МБ ББ ХККИ Тошкент шаҳри МФО: 00014 СТИР: 201122910</p> <p>Рахбар  А.Сарадиқов</p>
--	--

М.У.

М.У.

Ҳуқуқий хулоса:

Мазкур шартнома шартлари ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 386-424 моддаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг « Ҳужалик критувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос 